# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган ◆ № 112 (9.609) 2001 йил 24 сентябрь, душанба ◆ Сотувда эркин нархда


Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

## Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақомини бериш тўғрисида

**Мамлакатимизда профессионал театр санъатини янада ривожлантириш, Ватанимизнинг бой тарихи, аждодларимизнинг ўлмас меросини, мустақиллик йилларида эришган улкан ютуқларимизни, бугунги замонавий қаҳрамонлар сиймосини акс эттирувчи бадиий баркамол асарлар яратишни рағбатлантириш, халқимиз маънавиятини янада юксалтириш, ёш авлод қалби ва онгига эзгулик ғояларини сингдиришда театр санъатининг ролини янада кучайтириш мақсадида:**

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, атоқли санъат намояндалари ва кенг жамоатчиликнинг таклифларини инобатга олиб, Ҳамза номидаги Ўзбек давлат академик драма театрига «Миллий театр» мақоми берилсин ва у «Ўзбек Миллий академик драма театри» деб аталсин.

2. Қуйидагилар Ўзбек Миллий академик драма театрининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

— буюк маънавий меросимиз, бетакрор қадриятларимиз, ўзбек миллий театри анъаналарини изчил давом эттириш, уларни янги давр талаблари асосида бойитиб бориш ва ривожлантириш, бу соҳадаги илғор услубларни миллий руҳ билан уйғунлаштирган ҳолда театр санъатига татбиқ этиш;

— миллий истиқлол ғояларига ҳамоҳанг, бадиий жиҳатдан юксак, халқчил саҳна асарлари яратиш асосида ўзбек миллий театр санъати тараққиётига ҳисса қўшиш;

— халқимиз, аввало, ёшларимиз қалбида миллий ғурур, миллий ифтихор туйғуларини шакллантириш, уларни она Ватанга муҳаббат, умумбашарий қадриятларга ҳурмат, гуманизм ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш;

— истеъдодли санъаткорлар, ёш актёрлар, драматург ва режиссёрлар, саҳна санъати мутахассисларининг салоҳиятини тўла рўёбга чиқариш учун ўзига хос ижодий мактаб бўлиб хизмат қилиш;

— мамлакатимиз миқёсида ўтказиладиган маданий-маърифий тадбирларда фаол иштирок этиш, жаҳоннинг илғор ва нуфузли театрлари билан ижодий мулоқот ва амалий ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, халқаро фестивалларда ўзбек театри ютуқларини муносиб равишда намойиш этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги ва «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддат ичида Ўзбек Миллий академик драма театрининг Низомини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бир ой муддатда Ўзбек Миллий академик драма театри ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг янги тариф меъёрларини ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин.

5. Ушбу Фармон ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов зиммасига юклатилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти**
**И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2001 йил 21 сентябрь.

ТАДБИРКОРЛИК

## Рақобатбардош маҳсулотлар

Сув насосларининг ҳаётимизда қанчалик аҳамиятга эга эканлиги ҳақида кўпчилик яхши билади. Зеро, ҳаётимизнинг зарурий эҳтиёжига айланиб қолган сувни ўша насослар орқали кўп қаватли уйларга етказиб берилади.

Ушбу насослар эса Ўрта Осиёда ягона бўлган «SUVMASH» акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилади.

Завод ҳақида қисқача тўхталадиган бўлсак, унда насослар ва электр машиналари ишлаб чиқарилади ва таъмирланади. Жумладан, «К» турдаги тагликка ўрнатилган, марказдан қочирма электр насос қурилмалари сув ҳайдаш учун мўлжалланган.

Бугунга келиб заводда 30 дан зиёд янги турдаги насослар ва электр машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Ушбу маҳсулотлар фақат хонадонларни, ташкилот ва корхоналарни сув билан таъминлашда ишлатилибгина қолмай, балки республикамиз иқтисодиётининг ўсишида ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлмоқда.

Албатта, корхонада ишчи ва хизматчиларнинг самарали меҳнат қилишлари учун шарт-шароитлар яратилганлигини ҳам таъкидлаш лозим. Маълумки, «SUVMASH» корхонасида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўп йиллардан буён бир қатор нуфузли ярмарка ва кўргазмаларда фахрли ўринларни эгаллаб келган. Айниқса, 1999 йил корхона маъмурияти учун унутилмас бўлди. Женева шаҳрида дунёнинг ривожланган мамлакатларидан ташриф буюрган фан арбоблари, академиклар, сифат даражаси бўйича мутахассислар, иқтисодчилар иштирокида ўтказилган XXIV халқаро конференциясида корхонага халқаро сифат «Олтин Юлдуз» нишони берилди.

Корхона жамоаси Россиянинг Урал электр таъмирлаш корхонаси ҳамда Германиянинг «KSB» фирмалари билан қўшма корхона тузиш мақсадида музокаралар олиб бормоқда.

**(Ўз мухбиримиз).**

# ПОЙТАХТНИНГ бир куни

Янгиликлар, воқеалар

### ҚИСҚА сатрларда

❐ **ОНАЛАР** ва болалар йили муносабати билан педиатрия илмий текшириш институтида болалар касалликларини даволашда кўрилиши зарур бўлган чора-тадбирларга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

❐ **ЯККАСАРОЙ** тумани ҳокимлигида маҳаллалар оқсоқоллари, хотин-қизлар комиссиялари раислари ва маҳалла посбонлари иштирокида туман ҳокимлиги ҳамда «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан ўтказилган йиғилишда ёшлар тарбиясида миллий истиқлол ғояларини чуқур сингдиришда маҳалла олдида турган вазифалар муҳокама қилинди. БУГУН шунингдек, туманнинг «Дамариқ» маҳалласида маҳалла фаоллари иштирокида «Иқтисодий ислоҳотлар — жамият пойдевори» мавзуида тадбир бўлиб ўтди.

❐ **ЭРТАГА** Тошкент кимё-технология институтида талабалар иштирокида Шайхонтоҳур туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан ўтказиладиган давра суҳбати «Иқтисодий ислоҳотлар — жамият пойдевори» деб номланган.

❐ **ЎТГАН** куни пойтахтимиздаги 9-мактабда Юнусобод туманидаги «Минор» маҳалласи фуқаролари иштирокида туман «Маҳалла» жамғармаси ташаббуси билан бўлиб ўтган «Ёшлар тарбиясининг долзарб масалалари» мавзуидаги давра суҳбати Оналар ва болалар йилига бағишланди.

❐ **МИРЗО** Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғида Чилонзор туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббускорлигида мазкур боғ ходимлари ҳамда маҳаллалар фаоллари иштирокида «Миллий анъаналар ва маънавий қадриятлар» мавзуида анжуман ўтказилди.

❐ **ЭРТАГА** шаҳримиздаги «Олтин бошоқ» ҳиссадорлик жамиятида Тошкент шаҳар ва Ҳамза туман Маънавият ва маърифат марказлари ташаббускорлигида тадбир бўлади.

❐ **ЭРТАГА** пойтахтимиздаги 15-мактабда Собир Раҳимов туманидаги «Бешқўрғон», «Мустақиллик», «Ёшлик» ҳамда Аҳмад Яссавий номли маҳаллаларнинг фуқаролари иштирокида туман Маънавият ва маърифат маркази ташаббуси билан Тошкент Давлат юридик институтининг «Ҳуқуқий маърифат» тарғибот маркази ҳамкорлигида бўладиган анжуман аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масаласига бағишланади.



*Маъруф Қаюмов ўз касбига меҳр қўйганлиги боисидан ҳамкасблари орасида ҳурмат-эътиборга эга қурувчилардан ҳисобланади.*

*Бир неча йилдирки, «Ўзбексувқувватқурилиш» трестининг 2-уй-жой қурилиши механизациялашган колоннасида ғайрат билан меҳнат қилиб, ғишт терувчилик касбини эъзозлаб келмоқда.*

*Айни кунларда ўз ҳамкасблари билан пойтахтимизнинг Элбек кўчасида қад ростлаётган тўрт қаватли ғиштли турар жой бинолари қурилишида иштирок этмоқда.*

*СУРАТДА: Маъруф Қаюмов.*

*Тоҳир Ниғматуллин олган сурат.*

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра **Алишер Мухамедович Мирқосимов** Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокими лавозимидан озод этилиб, Тошкент шаҳар ҳокими маҳкамаси ташкилий ишлар ва кадрлар масалалари бўйича гуруҳ раҳбари (мақоми бўйича шаҳар ҳокимининг ўринбосарига тенглаштирилган) этиб тайинланди.

* * *

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра **Мидхат Мухамеджанович Юлдашев** Тошкент шаҳар Сергели тумани ҳокими лавозимидан озод этилиб, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокими этиб тайинланди.

## Долзарб вазифаларга бағишланди

**Маълумки, Президентимиз Ислом Каримов Самарқанд ва Жиззах вилоятлари халқ депутатлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессияларида сўзга чиқиб, жумладан идоравий ишлар борасида, ҳуқуқ-тартибот органлари вакиллари тарафидан айрим ҳолларда йўл қўйилган камчиликлар жамиятимизда кечаётган ислоҳотлар самарадорлигини сусайтираётганига урғу берган ҳолда келгусида олдимизда турган долзарб вазифаларга эътиборни қаратган эди.**

Алишер Навоий номидаги Санъат саройида Тошкент шаҳар фаоллари, ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар вакиллари, маҳалла оқсоқоллари, посбонлари, профилактика инспекторлари ва бошқа жамоат ташкилотлари вакиллари иштирокида ўтказилган йиғилиш ҳуқуқни муҳофаза этувчи идоралар ва жамоат ташкилотлари олдига қўйилган ана шу вазифаларга бағишланди.

Юртбошимиз сўзлаган нутқининг видео тасвири намойиш этилганидан сўнг йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Рихситилла Акромов кириш сўзи билан очди.

Анжуманда сўзга чиққан Тошкент шаҳар прокурорининг ўринбосари Муроджон Солиҳов бугунги кунда ҳуқуқ-тартибот идоралари олдига қўйилаётган мақсад ва вазифалар моҳияти хусусида тўхталди. Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги Абдукарим Йўлбарисов, Чилонзор туманидаги «Олмазор» маҳалласи милиция таянч пункти профилактика инспектори Бобур Ўрозовлар бевосита халқ орасида ишловчи нисбатан янги тизим — милиция таянч пунктларидаги профилактика инспекторлари фаолиятини янада кучайтириш, уларга ҳар томонлама шарт-шароитлар яратиш борасида қилинаётган ишлар тўғрисида тўхталиб, ҳуқуқ-тартибот идорасининг ҳар битта ходими юксак маънавий ахлоққа эга бўлган ҳолда кишилар дардига малҳам бўла олгандагина кўзланган натижаларга эришиш мумкинлигини таъкидлаб ўтишди.

Юнусобод тумани ҳокимининг ўринбосари Вафо Латипов, Ҳамза туманидаги «Маърифат» маҳалласи оқсоқоли Нишонбой Ҳусановлар жамиятимиздаги ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий ислоҳотларни маҳалла тизимисиз тасаввур қилиб бўлмаслиги, бинобарин жойларда тинчлик-осойишталикнинг ҳукм суриши, ободончилик ва тотувликка масъул бўлмиш оқсоқоллар кишиларни ўз атрофларига жипслаштириб, жамоатчилик кучига таянган ҳолда ишласаларгина маҳаллалар том маънода фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органига айланажагини айтиб ўтдилар.

Ёшлар номидан сўзга чиққан Тошкент автомобиль йўллар институти «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти етакчиси Азим Мирзажонов «Камолот» ташкилотининг давлат ва ёшлар ўртасида кўприк вазифасини ўташи учун нималар қилиш лозимлиги тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Йиғилишда сўзга чиққан мутасаддилар шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан Амнистия тўғрисида»ги Фармонининг жойлардаги ижроси бўйича қилинаётган ишлар тўғрисида ҳам тўхталиб ўтишди.

Тадбир сўнггида бир гуруҳ ички ишлар идоралари ходимларига «Ўзбекистон Мустақиллигининг ўн йиллиги» эсдалик нишонлари топширилди.

**Дилшод ИСРОИЛОВ**

ТАДБИРЛАР

## Спорт анжомлари топширилди

Олимпия шон-шуҳрати музейида Халқаро махсус олимпиада, Америка савдо палатаси, АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси, Ўзбекистон давлат спорт қўмитаси ва МОҚси вакиллари иштирокида АҚШдаги спорт анжомларини ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан юртимизга беғараз тарзда ажратилган анжомларни топшириш маросими бўлиб ўтди.

Дастлаб Ўзбекистондаги Тинчлик корпусининг директори Лоуренс Лехи Халқаро махсус олимпиадаларнинг юзага келиш тарихи ва инсонпарварлик фаолияти, унинг Ўзбекистонда иш бошлаши тўғрисида тўхталиб, ушбу мақсадли дастур Ўзбекистон ва АҚШ ўртасида ўзаро спорт алоқаларининг янада мустаҳкамланишига замин яратишини алоҳида таъкидлади. Сўнг Американинг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Жон Хёрбст спорт анжомларини Ўзбекистон Махсус олимпиадаси, баскетбол бўйича Ўзбекистон аёллар терма жамоаси ва Тинчлик корпуси кўнгиллилари ҳамда бейсбол бўйича кичик лига мусобақаларида қатнашувчи болаларга топширди.

Тадбир сўнггида шаҳримиздаги 199-ёрдамчи мактаб ўқувчилари ўз спорт маҳоратларини намойиш этишди. Ушбу ногирон болаларга ҳам ЮНИСЕФ ва Техасо компанияси томонидан ажратилган совғалар топширилди.

**Даврон ИСМОИЛОВ**

ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ — 2002

## *Кутилмаган мағлубият*

Ўтган шанба куни «Пахтакор» марказий стадионида жаҳон чемпионатига иккинчи саралаш босқичи доирасида «В» гуруҳидаги Ўзбекистон ва БАА терма жамоалари ўртасида навбатдаги ўйин бўлиб ўтди.

Ўтган ўйинда Хитой терма жамоасидан мағлубиятга учраган юртдошларимиз учун бу гал ғалаба сув билан ҳаводек зарур эди.

Учрашувни терма жамоамиз футболчилари ҳужумкор руҳда бошладилар. Бироқ дастлабки қарши ҳужумдаёқ 5-дақиқада рақибимиз ҳужумчиси Муҳаммад Умар тўп киритган ҳолда ҳисобни очди. Шундан кейин бутун ўйин давомида терма жамоамиз аъзолари томонидан уюштирилган кетма-кет ҳужумлар натижа бермади.

Қаторасига иккинчи ўйинда мағлубият аламини тотган терма жамоамиз учун жаҳон чемпионатига чиқиш борасида деярли ҳеч қандай имкониятлар қолмади.

**(Ўз мухбиримиз).**

# XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

• Тошкентда «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва «Красноярский авиалинии» («Kras Air») авиакомпанияси ўртасида тижорат ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланди.

• «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгашининг илк сарҳисоб йиғилиши ўтказилди. Унда Ҳаракатнинг ўтган 5 ойга яқин фаолияти юзасидан ҳисоботи тингланди, барча соҳалар учун келгуси режалар белгиланди.

• Маданият ишлари вазирлигида бўлиб ўтган «Офарин» жамоатчилик жамғармаси кенгашининг йиғилишида жорий йилда амалга оширилган ишлар якунлари ва келгусидаги режалар муҳокама қилинди.

• Тошкент алоқа электротехника институтида «Тараққиёт. Экология. Инсон» мавзуида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• Навоийдаги вилоят кутубхонасида «Ҳуқуқий ахборот марказлари ишини ривожлантириш» мавзуида икки кунлик семинар ўтказилди.

• Самарқандга уммон ортидан ажойиб хушхабар келди. Унда Самарқанд Давлат чет тиллар институтининг ректори, педагогика фанлари доктори, профессор Юсуф Абдуллаев Халқаро Нью-Йорк Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзолигига сайланганлиги баён қилинган.

• Андижонга «Нукус — Андижон» йўналиши бўйича махсус поездда Хоразм вилояти ва Қорақалпоғистон Республикасидан 158 нафар она ташриф буюрди. Ороллик онахонлар 18 кун давомида «Марҳамат» ва «Нефтчи» оромгоҳларида ҳордиқ чиқариб, саломатликларини мустаҳкамлайдилар.

• Тошкент Давлат педагогика университетида ўтказилган республика семинари СПИД ва гиёвандликка қарши кураш мавзусига бағишланди.

• Бухоро туманидаги Арбоб Ғайбулло номли фермер хўжалигининг раҳбари М.Файзуллаев Бухоро шаҳридаги 74-болалар боғчаси учун ўз маблағидан теннис корти қуриб берди.

• Самарқанддаги Ўзбекистон тарихи ва маданияти музейида «Бола қалби — чексиз бир дунё» деб номланган болалар халқаро ижодий кўргазмаси очилди. Музей залларига 100 га яқин бадиий санъат намуналари қўйилган. Улар Ўзбекистон, Франция ва Буюк Британиянинг 5 ёшдан 18 ёшгача бўлган болалари ижодига мансуб.

• Термиз шаҳридаги «Алпомиш» ўйингоҳи Ал Ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишланган кураш бўйича анъанавий 5-Халқаро турнирга қизғин тараддуд кўрмоқда. Шу ҳафтанинг охирида — 28-29 сентябрь кунлари бўлиб ўтадиган ушбу турнирда республикамиз полвонлари билан бирга жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатларидан спортчиларнинг иштирок этиши кутилмоқда.

### Жаҳонда

• Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида Ўзбекистон Мустақиллигининг 10 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида Британия -Ўзбекистон жамиятининг расмий тақдимот маросими ўтказилди.

• **Эртага** Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин ташриф билан Германия Федератив Республикасига йўл олади.

• **Кеча** Санкт-Петербургда ҳар йилги учинчи Болтиқ форуми очилди.

• Польша Республикаси ҳукумати дастурига мувофиқ етти нафар ўзбекистонлик талаба бу мамлакатга ўқиш учун жўнаб кетади. Улар Польшанинг энг яхши университетларида беш йил давомида таҳсил олади.

• **Кеча** Рим папаси Иоанн Павел IIнинг Қозоғистонга ташрифи якунланди. У Қозоғистон Президенти Н.Назарбоев билан учрашди, шўро давридаги сиёсий қатағонлар қурбонлари ёдгорлигига гулчамбарлар қўйди. **Эртага** у Арманистонга жўнаб кетади.

• Жаҳон банки Украинага 250 миллион доллар қийматидаги кредитни ажратишга қарор қилди. Бу кредит иқтисодий ислоҳотларни қўллаб-қувватлашга мўлжалланган.

• НАТО раҳбарияти шу ҳафтада Италиянинг Неапол шаҳрида ўтказилиши мўлжалланган мудофаа вазирлари учрашувини қолдирди.

• АҚШ Ҳиндистон ва Покистонга қарши ана шу давлатлар 1998 йили ядро қуролларини синаганларидан сўнг жорий қилган жазо чораларини бекор қилишни режалаштирмоқда. Австралия ҳам Покистонга нисбатан жазо чораларини бекор қилиш режасида.

• Бирлашган Араб Амирликлари Афғонистондаги Толибонлар ҳукумати билан дипломатик муносабатларни узди.

• **Кеча** АҚШ ҳукумати заҳирадаги яна беш минг кишини қўшимча равишда чақиришини эълон қилди.

• Жанубий Корея оммавий ахборот воситалари мамлакат Президенти Ким Дэ Чжуннинг яқин вақт ичида КХДРга катта туркумдаги инсонпарварлик ёрдамини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилишини билдирдилар. Шунга мувофиқ 300 минг тонна гуруч ҳам ажратилади.

• **Кеча** Польшада парламент сайловлари бўлиб ўтди. Овоз беришнинг дастлабки натижалари **бугун** маълум бўлади.

• Японияннинг Фукуока шаҳрида «Фукуока-2001» халқаро савдо ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 43 мамлакатнинг 242 компания ва ташкилоти озиқ-овқат маҳсулотлари, уй-рўзғор, заргарлик ва ёдгорлик буюмларини намойиш этди. Жумладан, ярмаркада Ўзбекистоннинг бир қатор компаниялари, ҳиссадорлик жамиятлари ва бирлашмалари ҳам ўз маҳсулотлари билан қатнашди.

• **Бугун** Буюк Британия ташқи ишлар министри Жек Стро ташриф билан Эронга келади.

• «Курск» атом сув ости кемасининг учинчи бўлмасини тозалаш жараёнида ғаввослар муаммога дуч келишди. Кема корпуслари орасидаги бўшлиқда мураккаб тузилишга эга металл қурилмалар бор экан. Уни демонтаж қилиш анча вақт олади, дейишмоқда ғаввослар. Шунга қарамай улар учинчи бўлмадаги ишларни тугаллаш арафасида туришибди.

• **Бугун** Будапештда Интерполнинг йиллик ассамблеяси очилади. Терроризмга қарши кураш ассамблеянинг бош мавзуи бўлади.

• 41 ёшли Луис Малдонадо Эквадор жамоат фаровонлиги вазири этиб тайинланди. У ҳинду миллатига мансуб бўлиб, эндиликда Малдонадо мамлакатда вазирлик лавозимини эгаллаган биринчи ҳиндудир.

• Ўтган шанба куни Италияда автомобилни бошқармаслик куни ўтказилди. Мамлакатнинг юзта шаҳри аҳолиси кўнгиллилар қаторида шахсий транспортини бошқаришдан бош тортдилар. Бунинг эвазига улар велосипедларини миндилар.

• Ўтган жума куни Франциянинг Тулуза шаҳридаги кимё заводида рўй берган портлаш оқибатида ҳалок бўлганлар сони 29 кишига етди, 1200 яқин киши жароҳатланди. Шаҳар касалхоналарига жароҳатланган 650 киши олиб келинди, шулардан 30 кишининг аҳволи оғир. Кучли портлаш оқибатида корхона яқинидаги юзлаб уйлар, 70 та мактаб, магазинлар шикастланди. Портловчи моддалар билан муомала қилиш чоғида хавфсизлик чораларининг бузилиши портлашнинг рўй беришига олиб келган.

• Колумбияда Рехтер ўлчови бўйича 6 балл куч билан ер силкинди. Зилзила маркази Туло шаҳрига яқиндир. Ҳалок бўлганлар ва вайронагарчиликлар ҳақида маълумотлар келганича йўқ.

• Британия ва Миср изқуварлари ҳамкорликда амалга оширган операциялар туфайли Мисрдан контрабанда орқали олиб кетилган бир қанча қадимий ашёлар қайтарилди. Бу ёдгорликлар ичида фиръавнлар сулоласининг вакили Рамзес IIнинг суюклиси малика Нефертитининг боши акс этган тошҳайкал ҳам бор.

# БАНК ва мижоз



ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИ

## Валюта бозорини эркинлаштириш

### — бизнес корхоналари ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш сари қадамдир

**Кейинги вақтларда валюта сиёсатини янада эркинлаштириш, биржадан ташқари валюта бозорини мустаҳкамлаш, барқарор инвестиция муҳитини шакллантириш ва экспорт маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасида бир қатор аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.**

**Ушбу қадамлар амалиётда қандай акс этаётганлиги ва уларнинг маҳсулот ишлаб чиқарувчиларга қандай фойдаси тегаётганлиги тўғрисида «Building Technologies» Ўзбек-Америка қўшма корхонасининг бош бухгалтер ўринбосари Людмила Тен қуйидагиларни ҳикоя қилиб берди.**

— Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришганидан сўнг бозор иқтисодиётини ривожлантириш, дунёнинг турли мамлакатлари билан кооперацияни ривожлантирган ҳолда жаҳон тизимига кириб бориш йўлидан бора бошлади. Шу жиҳатдан олганда республикада қабул қилинган дастлабки қонунлардан бири, бу — Ўзбекистон Республикасининг «Ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун эди.

Биз иқтисодий ҳаётдаги эркинлаштириш, давлатнинг бошқарув ролини чеклаш, турли тармоқлардаги корхоналар иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, мулкдорнинг роли ва ҳуқуқларини кучайтиришга йўналтирилган йўлнинг ҳаётнинг ўзи тўғри эканлигини тасдиқлаётганининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг ўз маҳсулотларини экспорт қилиш борасидаги манфаатдорлигининг ортиши валюта бозорининг эркинлаштирилиши, жумладан бир нечта алмаштириш курсларига барҳам бериб, биржадан ташқари валюта бозорини кенгайтириш ва ривожлантириш ҳисобига бизнинг миллий валютамизнинг тўла конвертациясига эришилиши билан узвий боғлиқдир.

Асосий фаолият йўналиши қурилиш соҳасида пардозлаш материалларини ишлаб чиқариш бўлган «Building Technologies» ўзбек-Америка қўшма корхонаси ўрта корхоналар қаторига киради. Бизнинг маҳсулотларимиз энг янги технологиялар асосида ишлаб чиқарилади, халқаро андозалар талабларига жавоб беради ва экспортга йўналтирилган. Бироқ яқин пайтларгача амал қилиб келган айрим норматив ҳужжатлар экспорт билан шуғулланувчи бошқа фирмалар каби бизнинг корхонамизни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўйганди. Ташқи иқтисодий фаолиятни ривожлантириш, жумладан, экспорт савдолари ҳиссасини оширишдан манфаат йўқ эди. Шуниси қувонарлики, энди вазият ўзгарди.

Бошқа барча товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар каби бизнинг қўшма корхонамиз мутахассислари ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Валюта бозорини янада эркинлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан катта қониқиш ҳосил қилдик. Бинобарин, шу орқали кичик ва ўрта бизнес хўжалик юритувчи субъектлари ташқи иқтисодий фаолиятини ривожлантириш борасида яна бир жуда жиддий амалий қадам ташланди. Мазкур қарорга мувофиқ микрофирмалар, кичик ва ўрта корхоналар ўзлари ишлаб чиқарган товарлар (ишлар, хизматлар)дан тушган валюта тушумини мажбурий тарзда сотишдан тўла халос этилдилар. Худди шу қарор билан хорижий валютани биржадан ташқари валюта бозорининг эркин курси бўйича харид қилувчи корхоналар эркин муомаладаги валютани сотиб олиш учун тўланадиган беш фоизли йиғимдан озод қилиндилар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Биржадан ташқари валюта бозори фаолият кўрсатишини ташкил этишнинг чора-тадбирлари тўғрисида»ги навбатдаги қарори хорижий валютани биржадан ташқари валюта бозорида харид қилиш ва сотиш бўйича операцияларни амалга ошириш тартиб-қоидаларини аниқлаштирди. Шуни таъкидлаш керакки, қарорлар чиққанидан сўнг ўтган қисқа вақт ичида корхонамиз мазкур ҳукумат қарорлари ўйнаган ижобий ролни ўзида ҳис этди.

Ҳозирда корхоналар ташқи бозорда янги рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўзлаштириш лойиҳасини ишлаб чиқмоқдалар. Истиқболда биз ҳам юқори технологияли ишлаб чиқаришни ўзлаштирамиз ва бозорда янги «авлод»га мансуб юқори дидли пардозлаш қурилиш материали пайдо бўлади.

**(Ўз мухбиримиз).**

## МУҲИМ ВОСИТА

**Бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни шакллантиришда банкларнинг иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда ўрни тобора ошиб бормоқда. Ҳар бир мамлакатнинг иқтисодиёти қанчалик ривожланганлигини унинг банк тизими такомиллаштирилганлигига боғлиқдир.**

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиб бораётган бир паллада иқтисодиётни эркинлаштириш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. Ҳар соҳада ўзгариш, юксалиш бўлгани каби банк тизимини ҳам такомиллаштириш, жаҳон андозаларига мос келадиган банк тизимини шакллантириш йўлида турли ислоҳотлар амалга оширилмоқда.

Мустақил Ўзбекистонда дастлаб икки поғонали банк тизими ташкил этилиб, биринчи поғонада мамлакатда кредит тизимининг бош банки пул-кредит сиёсатини, эмиссия жараёнларини олиб борувчи Марказий банк бўлиб иккинчи поғонада эса барча тижорат банклари туради. Марказий банкнинг асосий мақсади — пул-кредит тизими ва миллий валюта барқарорлигини таъминлаш асосида иқтисодий ўсишга эришишдан иборатдир.

Бозор муносабатлари татбиқ қилинаётган ҳозирги шароитда банклар фаолиятини эркинлаштириш ва банк тизимини ислоҳ қилиш мамлакатимиз иқтисодиётининг янада равнақ топишига асос солиши мумкин.

Банк тизимини ислоҳ қилиш жараёни 1995 йил 21 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси «Марказий банки тўғрисида»ги ва 1996 йил 25 апрелдаги «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунларининг қабул қилиниши билан мустаҳкамланди. Бу муҳим ҳужжатлар республикамиз банк тизимининг жаҳон андозаларига мувофиқ фаолият кўрсатиши учун ҳуқуқий шарт-шароитлар асосини яратиб берди.

Айни пайтда республикамиз ҳукумати томонидан эркин бозор иқтисодиёти ҳозирги босқичида молия-банк тизимидаги кенг қамровли ислоҳотларни ҳар томонлама жадаллаштириш орқали банк фаолиятини янада такомиллаштириш ва эркинлаштиришга йўналтирилмоқда.

1994-1997 йилларда банкларимиз тўрт йил муддатга бюджетга солиқлар тўлашдан озод этилган эди. Бундан мақсад банклар фаолиятини янада такомиллаштириш эди. Бунинг эвазига банклар инфраструктураси тубдан ўзгартирилиб, замонавий бинолар қурилиб, компьютер технологиялари билан таъминланди, электрон тўловлар тизими жорий қилинди, кадрларни ўқитиш ва қайта тайёрлашга кенг имкониятлар яратилди.

Президентимизнинг «Банк тизимини янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонининг чиқиши банк тизими учун яна бир туртки бўлди. Банклар фаолиятини эркинлаштириш, жаҳон банк амалиётига яқинлаштириш, банкларнинг ички ва халқаро молиявий бозорларда рақобатбардошлигининг юқори даражасига эришишдан иборат. Шуни айтиб ўтиш жоизки, айнан мана шу берилган имкониятлар натижасида Ўзбекистон банкларининг халқаро молия бозоридаги нуфузи ортиб бормоқда.

Иқтисодиётда тижорат банкларининг ролини ошириш масаласи банк тизимини ислоҳ қилиш Дастурининг муҳим воситаси бўлиб ҳисобланади. Бунда тижорат банкларининг иқтисодиётнинг реал тармоғини кредитлаш имкониятлари уларнинг ресурс базасини барқарорлиги билан бевосита боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан тижорат банклари олдига ресурс базаларини ҳуқуқий ва жисмоний шахсларнинг бўш маблағларини ҳамда хорижий сармоядорлар маблағларини банк оборотига қўшимча равишда жалб қилиш орқали кенгайтириш ва уларни инвестиция жараёнларига йўналтириш бош вазифа қилиб қўйилди.

Юқоридаги вазифаларни тижорат банклари томонидан қанчалик муваффақиятли бажариш уларга яратиб берилган шарт-шароитга боғлиқдир.

**Зафар ОДИЛОВ,**
**Тошкент Молия институти 3- курс талабаси.**





СИЗНИНГ ҲАМКОРИНГИЗ

## Мустақил баҳога эга бўлиш имконияти

Таъсисчиси Республика банклари ассоциацияси бўлган «Ахбор-рейтинг» рейтинг компанияси молия бозори қатнашчилари орасида ўз мавқеини йилдан-йилга мустаҳкамлаб бормоқда. Унинг томонидан ўтказилаётган умумреспублика рейтингларида тобора кўпроқ банклар қатнашмоқда, мустақил таҳлил натижалари эса молиявий ҳолат тўғрисида холис маълумот бермоқда, ҳудудлар, иқтисодиёт тармоқлари, алоҳида банклар ва умуман, бутун банк тизимининг ривожланиш йўналишларини аниқлашга кўмак бермоқда.

Рейтинг баҳолари ўз кўлами ва фаолияти бўйича турлича бўлган банкларни солиштириш, улар молиявий кўрсаткичлари ўртасида яширин муҳим боғлиқликларни аниқлашга имкон беради. Улар мижозларни ҳам, хорижий инвесторларни ҳам фикрлашга ундайди, аҳоли омонатларини жалб этиш шароитларида тўғри йўлни танлашга ёрдам берувчи холис йўналиш сифатида хизмат қилади.

— Депозитни жойлаштириш, сертификатларни, акцияларни харид қилиш тўғрисида қарор қабул қилиш чоғида том маънода маълумотлардан фойда олишни ўрганиш керак, — дейди «Ахбор-рейтинг» компаниясининг бош директори Ҳабибулло Қодиров. — Зеро, мамлакатимиздаги банклар фоиз ставкалари ва девидендлар олиш схемалари бўйича кенг имкониятларни таклиф этмоқдалар. Бизнинг компаниямиз бунинг учун кўп йиллик мониторинг асосида тезкор маълумотларни тайёрлаб беради.

Навбатдаги рейтингда республиканинг 24 та банклари иштирок этиши ва уларнинг натижаларининг чоп этилишига рухсат берганлиги — маълумотларнинг очиқлиги, рақобатга тайёрликнинг ёрқин далилидир.

— Ҳозирги вақтда республикада 37 та банк фаолият кўрсатаётган бўлиб, улардан 15 таси хусусийдир, — сўзида давом этади Ҳ.Қодиров. — Улар ўз молиявий фаолияти кўламига мувофиқ уч гуруҳга — кичик, ўрта ва йирик банкларга бўлинади. Банкларнинг ҳар бири таққослашнинг икки кўринишида иштирок этади — рейтингнинг барча қатнашчилари солиштириладиган мутлақ рейтинг ва ўз йириклик гуруҳидаги рейтинг. Умумреспублика рейтингларини ўтказиш давомида шу йилнинг 1 июль ҳолатига мувофиқ илк бор йирик банклар рейтинги (12, 1) ўрта (10, 8) ва кичик (2,0) банклардан юқори бўлди. Йирик банклар орасида «Пахтабанк» ва «Ўзсанқурбанк»лар ўз якуний рейтингларини бошқалардан тезроқ яхшилаб бормоқда. Гарчи «Авиабанк» кейинги гуруҳдаги банклар ўртасида биринчи ўрнини сақлаб қолган бўлса-да, ушбу гуруҳ ҳамон рақобатга бойлиги билан алоҳида ажралиб туради. Ўтган йилнинг ярим йиллиги натижаларига таққосланганда энг юқори ўсиш суръатларига «Ҳамкорбанк» ва «Ўзтадбиркорбанк»лар эришишди. Кичик банклар гуруҳида эса ҳамон «Карвонбанк» етакчилик қилмоқда. Ушбу гуруҳда якуний рейтингнинг энг кўп ўсишига эса «Алп Жамол» ва Парвина» банклар эришишди. Энг муҳими, рейтинглар натижаларини домий олган ҳолда банклар камчиликларини ўз вақтида тузатиб, кўрсаткичларини яхшилашлари мумкин. Банкларнинг бизнинг рейтингларимизда ихтиёрий равишда қатнашаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

«Молиявий фаолиятнинг кўлами» кўрсаткичи бўйича йирик банклар гуруҳида «Асака», «Пахтабанк», «Ўзсаноатқурилишбанк»и, ўрта банклар орасида — «Савдогар», «Ўзтадбиркор», «Авиабанк», кичиклари орасида «Парвина», «Карвонбанк», «Алп Жамол» етакчилик қилмоқда. Шунингдек, «Сармоянинг етарлилиги» ва «Тўлов қобилияти», «Фойда кўриш» кўрсаткичлари бўйича ҳам етакчи банклар аниқланди.

Юқорида айтиб ўтилган барча кўрсаткичларни ҳисобга олувчи якуний рейтинг бўйича эса Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, «Асака», «Пахтабанк» (йирик банклар орасида), «Авиабанк», «Савдогар», «Ўзприватбанк» (ўрта банклар ичида) «Карвонбанк», «Алп Жамол» ва «Парвинабанк» (кичик банклар орасида) етакчилик қилишмоқда.

«Ахбор-рейтинг» рейтинг компанияси ишлаб чиққан рейтинг баҳоси республикамиз молия бозорини такомиллаштириш ва ривожлантиришнинг муҳим чора-тадбирларидан биридир.

**(Ўз мухбиримиз).**

ИҚТИСОДИЁТ

## Жаҳон андозаларини кўзлаб

**Бундан бир неча йил аввал «Электросигнал» ҳиссадорлик жамияти қошида ташкил этилган «Дойче кабель АГ Ташкент» қўшма корхонаси жамоаси ана шу юксак мақсадни ўз олдиларига қўйган.**

Ҳиссадорлик жамиятининг «Ўзэлтехсаноат» ассоциацияси билан ҳамкорликда ташкил этган ушбу қўшма корхонасининг муассиси «Вест-Восток техник» немис компаниясидир. 75 фоиз акцияларнинг эгаси бўлган бу компания қўшма корхонани жиҳозлаш учун 500 минг доллар маблағ ажратди ва Япония, Финляндия ва Австриядан юксак унумли замонавий ускуналар келтирилди.

Албатта, замонавий дастгоҳларнинг ўрнатилиши сифатли маҳсулот тайёрлашнинг гарови бўлгани боис ҳам корхонанинг буюртмалари кундан кунга ортиб борди ва орадан бир йил ўтгач биринчи фойда олинди. 1999 йилда 150 миллион сўмликдан зиёд фойда олинган бўлса, ўтган йили бу рақам икки баробарга ортиб 300 миллион сўмни ташкил этди. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Каттагина саъй-ҳаракат, корхонанинг бир маромда ишлашини таъминлаш эвазига эришилаётган ютуқлардир. Ютуқларни мустаҳкамлаш эса асосий вазифалардан бири ҳисобланиб, корхонанинг 70 фоиз фойдаси уни ривожлантириш йўлида сарфланмоқда. Яқин келажакда эса ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини сезиларли даражада ошириш, маҳсулот турларини кўпайтириш режалари кўзда тутилган.

Шуниси диққатга сазоворки, бугунги кунда қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган сифатли ва рақобатбардош маҳсулотларга хорижда анчагина харидорлар бор. Улар ўз маҳсулотларини айни кунларда Россия, Қозоғистон, Украина ва Беларусь давлатларига экспорт қилмоқда. Айниқса, ушбу корхона цехларида тайёрланаётган телефон ва компьютер ўтказгичлари, юк элтувчи денгиз кабеллари сигнал-ўтказгичли, назорат, радиочастотали, кучли кабель маҳсулотлари ва хўжалик шнурларига буюртмалар сони кўпайиб бормоқда. Яқинда корхонада янги линия асосида нафақат республикамизда, балки ташқи бозорда ҳам талаб катта бўлган телефон кабелларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

— Бугунги бозор шароитида олдимизга қўйган энг муҳим мақсадимиз, — дейди Германиянинг «Вест-Восток техник» компанияси вакили Семен Волошин, — ташқи бозорни фаол ўрганишдир. Тан олиш керак, Европа андозалари даражасидаги маҳсулотлар тайёрлаш, яъни олдимизга қўйган асл мақсадимиз жуда кўп меҳнат талаб қиладиган жуда мураккаб жараёндир. Биз ана шунга эришиш йўлида тинмай изланяпмиз ва муваффақиятларимизни чегара билмай янгилик сари интиляпмиз. Ўтган йили Москва шаҳрида янги Савдо уйи ташкил этдик. Ҳозирда унинг мутахассислари халқаро товар бозори конъюктурасини, маҳсулот сифати ва турларини ўрганишга эътибор қаратишган. Албатта, ушбу Савдо уйи маҳсулотларимизга талаб ортишида муҳим ҳисса қўшмоқда.

Шуни айтиб ўтиш лозимки, «Дойче Кабель АГ Ташкент» қўшма корхонасининг кабель маҳсулотларига мамлакатимизда ҳам талаб катта. Лекин корхона жамоаси фақат ички бозор билан чегараланиб қолишни истамайди. Шу боис ҳам улар жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллашни, бу билан ўз келажагини таъминлашни, барча муаммоларни ўз кучлари билан оқилона ҳал этишни асосий мақсад қилиб олишган. Бу ерда меҳнат қилаётган тажрибали, моҳир мутахассислар бутун диққат-эътибори бугунги кун талабига — юқори сифатли, рақобатбардош, экспортга мўлжалланган маҳсулот ишлаб чиқаришга қаратилганлиги мамлакатимиз иқтисодиёти ривожига ҳам муҳим ҳисса бўлади.

**Шарифа ИЛЁСОВА**

КАСБНОМА

## Йўли равоннинг дили равшан

**Ҳар куни тонг саҳарда машина рулига ўтирар экан, мустақиллик йилларида пойтахтимиздаги бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссасини қўшаётганидан, эзгу ниятларни амалга оширишда фаол қатнашаётганидан унинг қалби фахрга тўлади.**

Сайдолимхон Қаюмов қайси ташкилот буюртмаси бўйича йўлланма олмасин, виждонан, сидқидилдан меҳнат қилишга ҳаракат қилади. Шу боис бўлса керак у меҳнат қилаётган «Тошшаҳарюктранс» корпорациясига қарашли 127-автокорхонада ҳам, ўз автоулови билан ҳамиша мадад бўлаётган бунёдкорлик майдонларида обрў-эътиборга, ҳурматга сазовор бўлиб келмоқда.

Йиллар ўтаверади, лекин у қолдирган излар ўзига хос салмоқли бўлади. Саидолимхон ака ҳам 26 йилдан буён мана шу қадрдон жамоасида ўсди, улғайди, катта тажриба орттирди, шогирдликдан устозлик даражасига кўтарилди. Бугунги кунда у 3-бригада сардори, 24 нафар ҳайдовчига етакчи.

Шуни айтиш керакки, ўтган ўн йил ичида шаҳримизда бунёд этилган улкан иншоотлар қурилишида С.Қаюмов ва у сардор бўлган бригада ҳайдовчиларининг муносиб улушлари бор. Айниқса, «Қўйлиқ», «Юнусобод», «Гавҳар — Халқлар дўстлиги» кўчаларидаги кўприклар, метронинг «Юнусобод» йўналиши, равон кўчалар, боғлар қурилишида улар астойдил ғайрат-шижоат кўрсатишди.

Сайдолимхон Қаюмов пойтахтимизда жадал суръатларда бунёд этилган Кичик Ҳалқа йўли қурилишида ҳам бунёдкорларга мадад бўлди. Унинг шогирдлари Саидикром Ҳамидхўжаев, Абдурашид Патаев, Миржалол Саидалиевлар устозлари тажрибасига таяниб, ўгитларига қулоқ тутиб кам бўлмаяптилар.

**Дилноза ҒИЁСОВА**



ТАДБИРКОРЛИК

## Седанали, жиззали ва дармонли

**Асадулла Нурулла ўғли мана беш йилдирки, «Сағбон -нон» акционерлик жамияти бошқарувининг раиси вазифасини бажармоқда. Бизнинг Асадулла ака билан суҳбатимиз «Сағбон-нон» корхонаси самарали фаолиятининг «сир»лари хусусида бўлди.**

**— Асадулла ака, сиз раҳбарлик қилаётган корхоналарда иш доимо самарали ташкил этилишидан хабаримиз бор. Айтингчи, бугунги кунда тадбиркорлар нималарга асосий эътибор қаратишлари керак?**

— Аввало ҳар кимнинг иродаси мустаҳкам, виждони пок бўлсин. Юрт, оила тўкинлиги, ҳаёти осойишталиги учун жон куйдириб меҳнат қилсагина эл назарига тушиб обрў-эътибор топади, барча ишлари юришиб кетади. Аввало ўзингиз эгаллаб турган вазифага касб маъносида қараш керак. Масалан, биз иш жараёнимизда шаҳримизда мавжуд нон, озиқ-овқат маҳсулотларини чиқариш борасида фаолият кўрсатаётган корхона, ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Кучли рақобат борлигини ҳам доимо ҳис қилиб турамиз. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг технологиясини янгилаш, ишчи-ходимларнинг ва аҳолининг талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олишга ҳаракат қиламиз. Замонавий тадбиркор ютуқларининг асосий омили ҳам ана шунда. Хусусан, фаолиятни 55 ишчи билан бошлаган бўлсак, икки йил давомида 120 дан зиёд янги иш ўринларини очдик. Ҳозирги кунда корхонамизда 200 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. 1999 йилда 11 миллион 320 минг сўм соф фойда олган бўлсак, 2000 йил даромадимиз миқдори 38 миллион 17 минг сўмга етди. 1996 йили корхонамизда бир кунда 12 турдаги нон маҳсулоти ишлаб чиқарилган бўлса янги асрнинг дастлабки йилида халқимиз дастурхонига 27 турдаги нон маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

Ҳозирги кунда шаҳримиз бўйича 110 та савдо шохобчаларига «Сағбон — нон» маҳсулотлари етказиб берилмоқда.

**— Эшитишимизча корхонангизда дармонли нон маҳсулотлари ҳам ишлаб чиқарилар экан.**

— Ҳа, «Сағбон — нон» корхонамизда 2000 йилда дармонли нон ишлаб чиқаришни йўлга қўйганимиз халқимизга манзур бўлди. Жорий йилдан эл талаб-эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда турли беморлар учун, жумладан, ошқозон-ичак ҳасталигига чалинганлар учун барбихинская, қандли диабет ҳасталиклари учун булка, кепакли булочка, «Самарқанд», «Хушбўй», «Темирли нон», ёнғоқли хушбўй нон, «Ёшлик» батони, бўқоқ ҳасталигига чалинганлар учун йодли батон каби 10 турдаги шифобахш нон маҳсулотлари ишлаб чиқармоқдамиз.

**— Ишчиларни ижтимоий муҳофаза қилиш, саховат кўрсатиш юзасидан қилаётган ишларингиз ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

— Ишчи-хизматчиларимиз учун кўпгина имтиёзлар мавжуд. Хусусан, уларнинг даволанишлари учун сиҳатгоҳларга доимо йўлланмалар ажратиб турамиз. Собир Раҳимов туманидаги 44-болалар яслисини оталиққа олганмиз. Махсус болалар мактаби ва ногиронлар махсус таълим мактаби, кам таъминланган оила ва фахрийларимизга ҳам мунтазам равишда ёрдам бериб келмоқдамиз.

**Суҳбатдош Мухтор СУЛАЙМОНОВ.**
**СУРАТДА: «Сағбон — нон» дўконида.**

САНОАТ

## Қулай мосламалар

**«Тошкент трактор заводи» Давлат ҳиссадорлик жамияти томонидан ишлаб чиқарилаётган турли агрегатлар ҳамда техника воситалари деҳқонларимиз оғирини енгил қилиб, қишлоқ хўжалиги моддий-техника негизини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутмоқда.**

Корхонанинг экологик тоза маҳсулотларни тайёрлашга хизмат қиладиган аппарат ва техник мосламалар ҳам харидоргир бўлиб бормоқда.

Эндиликда машинасозлар меҳнатни муҳофаза қилиш, табиий ресурслардан тежамли ва самарали фойдаланишга доир техник қурилмаларни ҳам буюртмачиларга кўплаб етказиб бермоқдалар. Ичимлик сувларни тозалашга хизмат қиладиган стерилизация фильтрларга бўлган талаб айниқса катта.

Мева ва сабзавотларни консервалашнинг вакуумли усулини қўллаш технологияси ҳам яратилди. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотларининг вакуум сифатини узоқ вақт яхши сақлаш имконини беради. Бу каби қулай ва фойдали техникавий мосламалар намуналари яқинда корхонада ташкил этилган экологик кўргазмада кенг намойиш қилинди.

**Анвар ВАЛИЕВ**

ХОТИРА УЙҒОНСА ГЎЗАЛДИР...

# Заҳматкаш инсон эдилар



Бу инсон ҳақида кўп ва хўп ёзса арзийди. Олимнинг «Нодир саҳифалар» китобчасига академик Бўрибой Аҳмедовнинг ёзган шарҳининг ўзиёқ бу заҳматкаш инсоннинг кимлигини яққол кўрсатиб турибди:

«Шарқ тиллари ва қўлёзма асарларни яхши билган, мумтоз адабиётни пухта мутолаа қилган, кекса, ҳассос шарқшунос олимлардан бири Абдуллажон Жувонмардиевдир. Унинг «XVI-XIX асрларда Фарғонада ер-сув муносабатларига доир», «Ҳарфлар рақамларга айланганда», «Ҳарф ва рақам» каби китоблари (Тошкент, «Фан нашриёти», 1965, 1966, 1971 йиллар), «Ўзбекистонда ижтимоий фанлар», «Ўзбек тили ва адабиёти», «Фан ва турмуш», «Шарқ юлдузи», «Гулистон» журналлари, шунингдек, турли илмий тўпламлар саҳифаларида эълон қилинган мақолалари ўзининг чуқур мулоҳазалари, маълумот ва материалларга бойлиги билан илмий-жамоатчилик ва кенг китобхонлар оммасига манзур бўлди. Бундан ташқари Абдуллажон Жувонмардиев Ҳофиз Бухорийнинг йирик асари «Абдулланома»ни, Абу Тоҳирхўжа Самарқандийнинг «Самария» асарини нашрга тайёрлашда ҳам фаол қатнашди.

«Рисолаи Хабибия» асарини (Орифхўжа Бухорий) форсча-арабчадан ўзбек тилига таржима қилди. Умуман, домла Абдуллажон Жувонмардиевнинг мазкур асари фан тарихи ва ўзбек мумтоз адабиётига қизиқувчилар, хусусан, ёш авлодни аждодларнинг яхши анъаналари руҳида тарбиялайди».

1892 йилда туғилган, умрининг кўп қисмини илм олиш, тил ўрганиш, халққа хизмат қилиш билан ўтказган, қатағон йиллар жабрини тортган ажойиб инсон, меҳрибон ота, иродали, ўта зиёли, камтарин шахс Абдуллажон Жувонмардиевнинг ёрқин хотираларини ёдга олмай бўлмайди.

Дастлабки билимни ўз отасидан олган Абдуллажон кейинчалик янги очилган мадрасаларда, мактабларда таҳсил олган. Ўқитувчилар тайёрлов курсини битириб, кўп йил ўқитувчилик қилиб зиё таратишда жонбозлик кўрсатган.

Абдуллажон Жувонмардиев 1957 йилдан умрининг охиригача (1978) А. Р. Беруний номидаги Шарқшунослик институтида фаолият кўрсатди.

Бу борада Абдуллажон Жувонмардиев билан бирга ишлаган, ҳозирда ҳам шу институтда катта илмий ходим бўлиб ишлаётган Гулсара опа Остонова ҳам ўзининг илиқ хотираларида отамиз ҳақида мароқ билан гапириб «Араб алифбосини қунт билан ўргатган домла Абдуллажон отани ҳамиша зўр ҳурмат билан эслайман. Чунки, бу ёзувни билишим менинг ижодий ишимга ва илмий фаолиятимга катта таъсир кўрсатди», дея мамнуният билан эсга олдилар.

Уйимизга отам билан суҳбатлашиш учун олимлар, шоирлар, тилшунослар тез-тез келиб туришарди. Кўпинча Шорасул Зуннун, Бўрибой Аҳмедов билан мулоқотда бўлганларини кўрганман. Буларнинг суҳбатлари мароқли ва қизиқарли бўларди. Кўпни кўрган бу зиёли кишилар ўз ҳаётий тажрибалари, илм-фандаги ютуқлар, ёш олимларнинг изланишлари, дўстлик, одамийлик фазилатлари ҳақида қизғин суҳбатлашардилар. Абдулла Қодирий, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Ҳабибий, Собир Абдулла, Ғафур Ғулом, эндигина танила бошлаган ёш истеъдодли шоир Абдулла Орипов баҳс ва хотираларда отамизга ҳазиллашиб: «Ҳамма Абдуллалар истеъдод улашганда чопиб борибсизларда», дейишарди.

Улар Навоий ва Фузулийнинг ғазалларини жуда чиройли ўқишарди. Айниқса, шоир Ғафур Ғулом билан дўстона аския-айтишувлари қизиқарли бўларди. Ғафур Ғуломнинг биринчи китоби босмадан чиққанда, отамиз унга атаб шеър ёзганлар. Уни мен ҳужжатлари орасидан топиб олдим.

**Аслида Ғафур Ғулом бир шоири**
**мумтоз экан,**
**Турфа ширин шеваси услуби онинг**
**соз экан.**
**Навоий-ла Фузулий ҳам шоҳи**
**Бобур пайрави,**
**Эски устодлар йўлини**
**қилгучи эъзоз экан.**
**Элбек, Ойдин,**
**Ғайратий ҳам Носиру Даврон эса,**
**Юз тафаккур этса арзир,**
**анга алар дамсоз экан.**
**Бу Жувонмардий сенга чиндин эрур**
**Ғафур! Ғулом!**
**Доимо мадҳинг билан дил шод эрур,**
**ҳам роз экан.**

«Нодир саҳифалар» китобига киритилган таржималаридан «Насиҳатнома» боби китобхонлар учун ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган қимматбаҳо ҳикматлардандир. «Бузургмеҳрнинг саволлари ва устозининг жавоблари» номли бу «Насиҳатнома» форс-тожик-урду тилидан отамиз таржимасида ёритилган. Улардан айримлари:

— Дунёда энг қимматли нарсалар нима?
— Тан сиҳатлик, хотиржамлик.
— Ишларимни кимга топширсам, хотиржам бўламан?
— Ҳасадсиз дўстингга топширсанг, хотиржам бўласан.
— Ёшларга ва кексаларга қайси фазилатлар лозимдир?
— Ёшларга шарм-ҳаё, ишда жасорат, кексаларга мулойимлик.
— Буюк кишилар нима қилишлари керак?
— Яхши билан ёмонни фарқ қилишлари ва ишни ишбилармонларга топширишлари керак.

Яхшининг боласи ҳам яхши бўлади, деганларидек, Абдулла Жувонмардиевнинг ўғиллари Тўлқинбек, Туйғунбек, Анварбек Жувонмардиевлар меҳнатсеварлиги, ростгўйлиги, одамийлиги билан оталарига жуда ўхшаб кетадилар. Оиламизда ўқитувчи, шифокор, санъаткор, муҳандис каби турли соҳа вакиллари боболари орзу қилгандек фаолият кўрсатмоқдалар. Мен Тўлқинбек ака билан 44 йил турмуш қуриб, ҳамиша тотув яшадик. Тақдирим шундай ажойиб инсон билан боғланганига Оллоҳга беҳад шукроналар ўқийман. Бизнинг фарзанд, набира, эвараларимиз ҳам ота-боболаридек чин инсон бўлиб етишишларини истайман.

Авлодлар учун ўзларидан бебаҳо хазиналар қолдирган, ибратли ҳаёт, хотиралари ёрқин Абдуллажон ота сингари азиз инсонлар руҳи олдида бир умр таъзимдамиз.

**Машрабхон ЖУВОНМАРДИЕВА,**
**Ўзбекистон Халқ маорифи аълочиси.**

САЛОМАТЛИК

# Аҳамият касб этади

Америка халқаро соғлиқни сақлаш уюшмаси томонидан олиб борилаётган тиббий тадбирлар жойларда яхши самаралар бермоқда. Бу нуфузли уюшманинг болалар саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган саъй-ҳаракатидан кўплаб ўғил-қизлар баҳраманд бўлишмоқда.

Болаларга тиббий хизмат ёрдами кўрсатиш дастури доирасида республикамизда амалга оширилган тадбир ҳам муҳим тиббий-муолажавий аҳамият касб этди. Ўзбекистонда илк бор ўтказилган бу хайрли иш давомида Тошкентдаги қатор мактаб ўқувчилари тез тиббий ёрдам ўқув курсида қатнашиб, ўз билим ва амалий кўникмаларини оширдилар.

**Анвар АҲАДОВ**

# Бу ажиб дунё

## Ўпсанг ўласан!

Моника жуда гўзал қиз. Унинг ишқида куйиб юрганлар қанча. Аммо унинг висолига етишиш учун ўлимга рози бўлиш керак.

Ана шундайлар ҳам топилди. Моника билан бирга бўлишни орзу қилган икки йигит ўлимга ҳам рози бўлдилар. Йигитлар ҳам жуда келишган, аҳдларида қаттиқ турадиганлардан эдилар. Улар қиздан биттадан ўпич сўрадилар, холос. Қиз уларга тушунтириш учун роса уринди. Аммо иложини тополмади. Йигитлардан бири қиз билан тўйгунича суҳбатлашиб ўтирди. Суҳбат шунчалик эҳтиросларга олиб келдики, қизнинг қаршилигига қарамай йигит унинг лабларидан ўпиб олди ва орадан бир оз вақт ўтиб, ўзини нохуш сеза бошлади. Турли муолажаларнинг ҳам фойдаси бўлмади. Йигит вафот этди. Иккинчиси заҳарланишга қарши турли дори-дармонлар олиб сўнг кўнгли хотиржам бўлиб, Моника билан танишди. Бир ҳафта давомида қизга яқинлаша олмади. Ниҳоят унинг висолидан баҳраманд бўлди. Лекин йигит ўлиб қолмади-ю узоқ касал бўлиб ётди. Бир неча ой Моника хавотир билан яшади. Йигит бироз тузалди, аммо врачлар қайтиб шу қизга яқин йўламасликни тайинлашди. У қизнинг висолига яна бир бор етишиб, сўнг ўлимига розилигини айтган.

Қиздаги бу ҳолат кўпчилик учун сир бўлиб қолмоқда. Ўзи устида синов олиб боришларини эса Моника хоҳламайди.

## Орқасида кўзи йўғу...

Нэну исмли қизнинг ажойиб хислати бор. У орқасида — юз метр нарида келаётган одамни таниб кимлигини, кийими қанақалигини, юзида холи бор-йўқлигини, ҳатто тишигача айтиб бера олади.

Бу хислатига қизнинг ўзи ҳам тан беради. Айтишича, олдидаги келаётган одамдан кўра орқадагисини аниқ кўрармиш. Ҳатто орқада, гап эшитилмайдиган масофада келаётган икки кишининг нималар ҳақида суҳбатлашиб келаётганини аниқ айтиб беради.

## Тарвузни бутунича ютади

Сарлавҳага озгинагина лоф аралашиб кетгани учун узр. Лекин шундай одам бор. Исми ҳам жуда қийин — Нэуагавасемана! Ўзи ҳинд миллатига мансуб. Оғзини кенг очса, худди бегемот келиб қолди, дейсиз. У ўртача катталикдаги тарвузларни оғзида олиб тураверади. Лекин овқатни жуда оз ейди.

## Ола-була одам

Кимоно Шимолий Африкадаги якка-ю ягона уч рангли одам ҳисобланади. У туғилганида юзи қора, бўйнидан пасти оқ ва оёқ қисми қора эди. Ҳозир Кимоно 19 ёшда. Энди қора ранги буғдой рангга айланди. Оппоқ баданни сарғиш тус олди. Тери ранги бўйича мутахассисларнинг текширишларидан ҳеч қанақа хулоса чиққани йўқ. Мутахассислар фақат ҳайратланишяпти, холос.

## Қойил қолмай кўринг-чи

Молдавиялик Алёша исмли йигит ноёб қобилият эгасидир. У бирйўла тўртта сигирни соға олади.

Алёша бу касбни тўкис эгаллаш учун икки йил тер тўкди. Ниҳоят отасининг фермер хўжалигида сигир соғадиган аппаратлар билан беллашиб кўрди. Қарангки, у тез ва соз соғишда аппаратни ортда қолдириб кетди. Алёша тўртта сигирни қўл-оёқларига мослаб қўйиб олади-да, тўртовини бараварига ишлатади. Қарабсизки, челаклар сутга тўлиб турибди.

Интилганга толе ёр, деб шунга айтсалар керак-да!

## Кафтда жўжа очиради

Африка иссиқ мамлакат. Одамларининг танаси ундан-да иссиқ. Жейме исмли кимса товуқ тухумидан жўжа очириш учун товуқнинг босишини кутиб ўтирмайди. У кафтига тўртта тухумни оладида ҳар куни беш-олти соат кафтлари орасида олиб туради. Шундай қилиб йигирма кундан кейин бу тухумлардан жўжа чиқади. У ана шу йўл билан икки юздан зиёд жўжа очириб олди.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ тайёрлади.**

ВОҚЕА АРАФАСИДА

# Мардлар ва жасорат мактаби

**Жонажон Республикамизнинг 10 йиллик тантаналари шукуҳи ҳукм сураётган бир даврда Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ташкил топганига ҳам 10 йил тўлмоқда.**

**Республикамизда кечаётган туб ислоҳотларда ушбу ташкилотнинг ҳам улуши бор ва амалга ошираётган ишлар натижалари ўзининг мевасини бераётир. Бизнинг ушбу ташкилотнинг — Тошкент шаҳар Кенгаши раиси Назриддин РИЗАМЕТОВ билан бўлган суҳбатимизда ташкилотнинг бажараётган вазифалари ҳақида сўз борди.**

— Мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Тошкент шаҳар Кенгаши 11 та туман Кенгашлари ва спорт-техника клублари, битта бирлашган техника мактаби, битта болалар ва ўсмирлар спорт ўқув бирлашмасидан таркиб топиб, 576 та бошланғич ташкилотга эга «Ватанпарвар» аъзоларининг 80 фоизи ёшлардир.

Ташкилотларимизда спортнинг 22 турдан зиёд техник ва амалий турлари мавжуд бўлиб, 376 та спорт тўгараклари ва 70 дан ортиқ секцияларга бирлаштирилган. Ҳозирда 42 мингдан зиёд шуғулланувчилар ўзлари ёқтирган спорт турлари билан мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Ташкилотда 624 та ишчи ходим фаолият кўрсатмоқда.

«Ватанпарвар» ташкилоти асосан ўз иш йўналишини ёшларни, меҳнаткашларни ҳарбий ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, Ватанни севиш, уни ардоқлаш, миллий ғурур ва анъаналарини эъзозлаш, ёшлар, вояга етмаганлар билан ишлаш, «Она ва бола» Давлат дастурининг бажарилишини таъминлаш, ҳарбий хизматга чақирилувчилар билан ишлаш, уларни армия сафида хизмат қилишга тайёрлаш, ҳарбий кўникмалар ҳосил қилиш, маънавий, руҳий ва аҳлоқий жиҳатларини юксалтириш, Ўзбекистон Мудофаа қудратини мустаҳкамлаш учун етук, билимли, тайёр техник мутахассислар тайёрлаш, халқ хўжалиги учун оммавий-техник касб мутахассислари тайёрлаш, ёшлар ўртасида спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турларини ривожлантириш ва уларга ёшларни жалб этиш, техник яратувчилик ва ижодиётни ривожлантириш, яъни авто, аваиракета, радио, судомоделизм, мерганлик ва ҳоказо тўгаракларининг ишини такомиллаштириш, оммавий ахборот воситалари орқали айтиб ўтилган ишларни омма орасида кенг тарғибот ва ташвиқот қилишга қаратмоқда.

«Ватанпарвар» ташкилоти томонидан ўтказилаётган тадбирларнинг шунга дахлдор ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилиши ҳам эътиборга моликдир. Шу ўринда ҳокимликлар, шаҳар «Маҳалла», «Нуроний» жамғарма бўлинмалари, шаҳар халқ таълими ва касб-ҳунар бош бошқармалари, мудофаа ишлари бўлимлари, туманлар халқ таълими бўлимларини таъкидлаш жоиз.

Ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш мавзуларида туман ташкилотлари томонидан 83 та маърузалар уюштирилди.

Республикамизнинг буюк сана кунлари ва байрамларини нишонлаш ҳам анъанага айланган.

Шаҳар Кенгаши томонидан Соғлом авлод йили, Оналар ва болалар йилида анча ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда. Бу борада Шайхонтоҳур, А.Икромов, Чилонзор ва Миробод туманлари Кенгашлари фаолияти диққатга сазовордир.

Ташкилотимиз хайрия тадбирларини ўтказишда ҳам фаол иштирок этяпти. Унинг асосий иш йўналишларидан бири бу спортнинг техник ва ҳарбий-амалий турларини ривожлантиришга қаратилган. Ҳозирги кунда Тошкент шаҳар «Ватанпарвар» ташкилотларининг спорт тўгаракларида 1600 дан зиёд спортчи-ёшлар шуғулланмоқда.

2001 йил спорт тадбирлари режаси бўйича Тошкент шаҳрида 45 та чемпионат ва биринчиликлар ўтказилди. Мусобақалар натижалари бўйича яхши кўрсаткичларга Ҳамза, Чилонзор ва А.Икромов туманлари Кенгашлари эришдилар.

Ўзбекистон чемпионатларининг шахсий ҳисобида пойтахт спортчилари 30 та олтин, 17 та кумуш ва 11 та бронза медаллари соҳиби бўлишди.

Шуни айтиш керакки, «Ватанпарвар» ташкилоти — бу ўз-ўзини мустақил бошқариш ва маблағ билан таъминловчи жамоат ташкилоти эканлигини эътиборга олганда ишлаб топилган маблағларнинг асосийси юқорида кўрсатиб ўтилган ишларни амалга оширишга сарфланади.

Жорий йилнинг бугунги кунигача халқ хўжалиги учун «В» тоифали ҳайдовчилардан 3404 нафар, «С» тоифали ҳайдовчилардан 942 нафар, «Б» тоифадан «С» тоифага 30 нафар, жами 4376 оммавий техник касб мутахассислари тайёрлаб берилди.

Шунингдек, Қуролли кучлар учун мутахассислар тайёрлаб бериш, ўқув жараёнини ташкил этиш, ташкилотларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш, замон талабларига жавоб берадиган ўқув қурол-аслаҳалари, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган «Тико», «Дамас», «Нексия» автомобиллари билан таъминлашга ҳам эътибор қаратилди ва бу борада ижобий натижаларга эришилди.

— Олдимизда катта вазифалар турибди, — дейди Назриддин Ризаметов суҳбат якунида. — Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини изчил амалга ошириш, қўшимча иш жойларини ташкил этиш, халққа хизмат кўрсатиш турларини кўпайтириш, ёшлар, вояга етмаганлар, ҳарбий чақирилувчилар билан ишлашнинг янги механизмларини, усулларини ишлаб чиқиш ва уларни ҳаётга жорий этиш шулар жумласидандир. Ташкилот ўз иш йўналишини аниқ белгилаган ҳолда зиммасидаги вазифаларни бажариш йўлида бундан буён ҳам изланишда давом этаверади. Жумладан

ЭРТАГА

пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейи биносида ўтказиладиган мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Тошкент шаҳар Кенгашининг 1-конференциясида ҳам ўтган йиллар мобайнида қилинган ишлар сарҳисоб этилади ва ташкилотнинг навбатдаги вазифалари хусусида атрофлича фикр юритилади.

**Суҳбатдош Хондамир СОЛИҲОВ**



**СУРАТДА: амалий машғулот пайти.**

Ҳаким НАЗИР, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

# «Ҳар кимники ўзига...»

(Кичик ҳикоя)

Лазокат опоқи ўз ўғилчасидан хуноб бўлиб ён қўшниси Ҳанифаойга зорланарди:

Жонимдан тўяр бўлсам тўйдим. Ўғилчам дастидан на уйда ҳаловат бор, на кўчада. Чиллакми, тўп отарми ўйнаб, дарахтлардаги қушларга тошми, кесакми отиб ҳовлини ивирситгани, шовқин-сурон кўтаргани етмагандай, кўчадаям тинч юрмийди. Хабарингиз борми-йўқми, чиллак ўйнаб югуриб-юриб рўпарадаги қўшнининг эшиги олдида ўстирган қовоқ палагини эзиб юборибди.

Қўшни амаки ғалва кўтариб: «Болангни тергаб ололмасанг қанақа онасан ўзинг?!. Бировни экинини пайҳон қилаверсаям томоша қилиб тураверасанми? Мундоқ таъзирини бериб қўйсанг бўмийдими?!» — деб нақ ҳовлига бостириб кирди. Мен нима дейишимни билмай, тахтадай қотиб қолдим.

Бу гапни эшитаркан, Ҳанифаой, юпатиш ўрнига, амакининг сўзини қувватлаб:

— Койиганича бор у кишининг, — деди, — ўзи ногирон одам, аллақанча уриниб шу экинларни ўстирсин-да, биров уни бир лаҳзада пайҳон қилиб ташласин. Бу ўғирликданам ёмон-да. Ўғлингиззи шу қилиғини ҳеч кечириб бўладими! Уни яхшилаб таъзирини беришингиз керак. Ўз ҳолига қўяверсангиз, безори бўб кетиши турган гапда! Агар менинг болам шу ишни қилса-чи, қаттиққина жазолаган бўлардим!

Лазокат опоқи қочиб юрган ўғли Турғунни қандай жазолашни ўйларди. Ўғли келиши билан биринчи қўлидан келгани қулоғидан чўзиб, қарғаб-сиқташ бўлди. Турғун эса қилган айбини ҳеч бўйнига олмай турарди. Ойиси уни маҳкам ушлаб, амаки олдига олиб чиқмоқчи бўлди:

— Агар ўша ишни қилмаган бўлсанг, амакингга ўзинг жавоб қайтарасан. Қилган бўлсанг-чи, икки қўлингни қовиштириб, кечирим сўрайсан, — деб кўчага судради.

Турғун бўлса, пешонаси тиришган, тажанг кексанинг рўпарасига борганда, дами ичига тушиб кетди.

— Хўш, тирмизак, айтгинчи, нимага қилгуликни қилибоқ, тирақайлаб қочиб қолдинг?

Турғун афтини буриштириб олганча, индамай тураверди.

— Қани, гапир-чи, шу ишинг яхши бўлдими? — деб дағдаға солди амаки.

Лазокат опоқи: «Амакижонингдан кечирим сўра!» — деб боласининг биқинига қаттиқ ниқтади. Шундан сўнг Турғун овози борича:

— Билмасдан қилдим, амакижон, кечиринг мени! — деб чинқириб юборди.

Амаки сал таптидан тушди-да:

— Бу сафарча кечирдим. Аммо энди бу ерда тўполон қила кўрма! — деб огоҳлантириб қўйди.

Қарангки, шу куннинг ўзида кечга томон яна бир кўнгилсизлик юз берди. Бу гал кўчада тўп тепишиб юрган болалардан Шокирнинг тепган тўпи Лазокат опоқининг деразасини чил-чил синдирди. Лазокатнинг фиғони фалакка чиқиб, Ҳанифахонга боласидан арз қила кетди:

— Сизнинг ўғилчангиз ҳам шумтака экан. Анув ердаги майдонча турганда келиб-келиб менинг деразам тагида қиладими-а қилиғини! Уни вақтида жазолаб, эсини киритиб олишингиз керак экан. Бўлмаса шумлиги баттар ошиб, ёмон йўлга кириб кетмасин!..

— Ҳой-ҳой, қўшнижон, сал оғзингизга қараб гапиринг. Жудаям боламни ерга уриб, шумлар қаторига киритиб қўйманг!..

— Ахир ўзингиз ҳалигина менинг боламни нималар деб ерга ургандингиз, дарров эсингиздан чиқдими? Сал бўлмаса безориларга қўшиб қўйгандингиз.

Ҳанифахоннинг ҳоври пасайди. Қўшнисига қилган «доно» ўгитлари эсига тушиб, узоқ ўйланиб қолди. Сўнг кўнглидаги муз эригандай:

— Биласизми, қўшнижон, болаларимизнинг ҳаддидан ошишига ўзимиз ҳам айбдормиз. Ортиқча эркалаб, унча-мунча камчиликларини кечираверамиз-да, улар шундан фойдаланиб ҳаддиларидан ошаверишади.

— Ҳа, энди ўзингизга келдингиз, Ҳанифахон. Ҳамма бало шундаки, биз болаларимизнинг камчиликларини кўргимиз келмайди. «Ҳар кимники ўзига ой кўринар кўзига» деб тўғри айтишса керак-а?

— Ҳим-м...— деб қўйди бўшашганича Ҳанифахон.


ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

## «САРИКЎЛ» (СОБИҚ «ТЕЗИКОВ») БОЗОРИДА САВДО ҚИЛУВЧИ ТАДБИРКОРЛАР ВА ФУҚАРОЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ҳурматли ҳамшаҳарлар!

Тошкент шаҳрини қайта қуриш ва ривожлантириш Бош режасига мувофиқ Яккасарой туманидаги «Сарикўл» (собиқ «Тезиков») шохобча бозори ва унинг атрофидаги савдолар **2001 ЙИЛНИНГ 29 СЕНТЯБРИДАН** бошлаб тўхтатилади.

**«Сарикўл»** шохобча бозорида савдо қилувчи фуқароларга Ҳамза тумани, 1- Толариқ кўчасида жойлашган «Янгиобод савдо маркази»-даги усти ёпиқ ихтисослаштирилган ва мослаштирилган павильонлардан жойлар ажратилади. Мазкур марказда савдолар маҳсулот турларига қараб ихтисослаштирилган павильонларда ташкил этилади. Павильонлар кенг ва ёруғ, уларда электр тармоғи мавжуд ҳамда ҳавонинг алмашуви кўзда тутилган. Контейнерлар ўрнатиш ҳамда катта ўлчамдаги товарлар ва мебелларни савдога қўйиш мумкин.

«Янгиобод савдо маркази»га қўшимча равишда бир нечта шаҳар йўловчи транспорт маршрутлари ташкил этилади.

«Янгиобод савдо маркази» ҳафтанинг душанба кунидан ташқари ҳар куни ишлайди.

**2001 йилнинг 29 сентябридан** бошлаб Тошкент шаҳрининг барча бозорлари ва кўчаларида фойдаланилган буюм ва кийим-кечаклар билан савдо қилиш қатъий тақиқланади. Шундай савдо фақат «Янгиобод савдо маркази»да рухсат этилади.

**Тошкент шаҳар ҳокимлиги**


# Шоколадли печенье

БЕКА

Керакли масаллиқлар: 20 грамм арчилган ёнғоқ, 2 та тухум, озроқ туз, 80 грамм шакар, 20 грамм ун, 20 грамм крахмал, 4 ош қошиқ какао.

Крем учун: 8 грамм желатин, 100 миллилитр қизил вино, 2 та тухум, 50 грамм шакар, 100 грамм сарёғ.

Тайёрланиши. Ёнғоқларни майдалаб, тухумнинг оқини ажратинг. Миксер ёрдамида тухум оқини яхшилаб аралаштириб, 2 ош қошиқ сув, бир чимдим туз қўшинг. Уни аралаштирганда, шакарни ҳам оз-оздан солиб, кейин тухум сариғини қўшиш керак. Унга крахмал, какао қўшиб, тухумли қоришма билан аралаштириш лозим. Қоғоз солинган идишга барча масалиқни қўйиб, 15 дақиқа давомида газда пиширинг ва совутинг.

Желатинни сувда илитиб, қизил винони озроқ иситинг, сўнг желатинни сувдан ажратиб, қизил винога қўшиб, совутиш керак. Тухумнинг оқи ва сариғини алоҳида кўпиртириб тухум сариғига шакар қўшинг. Тухум оқига эса сарёғни аралаштиринг. Барча масаллиқни қўшиб, яхшилаб аралаштиринг. Бисквитни горизонтал кесиб, орасига крем суртинг. Икки соатга музлатгичга солиб совутиш лозим. Устига шоколадли қиём суртиб, ёнғоқ билан безаш мумкин.

**Дилдора СОДИҚОВА**


13-касб-ҳунар мактаби томонидан Бекзод Сайдуллаевич Аҳмедов номига 1999 йилда берилган № 115268-рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**



Муассис: Тошкент шаҳар ҳокимлиги

Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

*Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади.*

Нашр кўрсаткичи — 209

Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. 2668 нусҳада босилди. Қоғоз бичими А-2

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Газета Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасида 10-рақами билан рўйхатга олинган

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Буюртма Г-2807.

Босмага топшириш вақти 11.30

1 2 3 4 5 6